Заключению о том, что предпосылки для зарождения государственности и соответственно городской культуры в Ферганской долине создавались лишь в VI – IV вв. до н. э.²⁹, противоречит ряд фактов, в том

²⁹ Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. С. 203.

числе отраженных в письменных источниках. Историки походов Александра Македонского писали о крепостях и отдельных городах, расположенных у западных границ Ферганской долины. Одним из них был Кирополь-Кирэсхата (Курушката), становление которого относится к VII – VI вв. до н. э.

На наш взгляд, вопрос о времени формирования городской культуры в Ферганской долине необходимо рассматривать в тесной связи с закономерностями исторического развития процессов урбанизации в Средней Азии, которые свидетельствуют о том, что города в регионе складывались в разное время, в различных исторических условиях. Эти города отличались планировкой, занимаемой площадью, системой фортификации, застройкой и архитектурой, но их основные функции совпадали друг с другом.

A. Сагдулаев, И. Йўлдошев

Фарғона воҳасининг илк шаҳарлари ва давлатлари тариҳига оид айrim масалалар хусусида

Маколада Фарғона воҳасида илк шаҳарлар ва давлатлар вужудга келишининг санаси ва даврлаштириш муаммоси, воҳа қадимги тарихига тегишли асосий ёндашувлар таҳлил қилинади. Мавзуга оид баззи бир илмий қарашларнинг эскириб қолганлиги, тарихшуносликда маълум баҳсли масалаларни қайта кўриб чикиш ва янги маълумотлар асосида ўрганиш зарурияти муаллифлар томонидан қайд қилинади.

A. Sagdullaev, I. Yuldashev

About the questions concerning the Fergana valleys ancient cities and states history

In the given article the problems of systematization and genesis date's of ancient cities and states, some approaches relating to the ancient history of the Fergana valley are analyzed. Authors states that some scientific views became old and it's necessary to look through the doubtful points in order to get a new information in historicity.

Этнология масалалари
А. Каюмов

**ХЎЖАЛИК-МАДАНИЙ ТИПЛАР ВА ЭТНИК
ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР
(Сурхон-Шеробод водийси материаллари асосида)**

Турли халқларнинг турмуш тарзи ва маданияти характери, менталитети табиий географик муҳитга ва шундан келиб чиқиб, шаклланган хўжалик фаолияти ҳамда маданий-хўжалик анъаналари билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки табиий шароитнинг таъсири белгилари этник маданиятнинг барча соҳаларида, яъни ишлаб чиқариш воситаларидан, айниқса, меҳнат куролларидан бошлаб, одамларнинг туаржойлари ва уй-жой курилиши, кийим-кечаклари ва рўзгор буюллари, хўжалик-маданий анъаналари ва ҳатто, халқларнинг этник хусусиятларида ҳам намоён бўлади.

Шу билан биргаликда бу жараён нафакат табиий муҳит билангина эмас, балки муайян этносларнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти, хўжалик тажрибалари ва кўнимкалари даражаси билан ҳам узвий боғлик бўлиб, турли тарихий даврларда у ёки бу этноснинг шаклланиши ва этник таркибининг хилма-хиллигига (этник дифференциациясига) ҳам маълум маънода ўз таъсирини ўtkазиб келган. Биз тадқиқ этмоқчи бўлган масала моҳиятини яхлит тарзда «хўжалик-маданий типлар»¹ турушунчаси тўлик камраб олади.

Тарихий тараққиёт ва этник жараёнларга турли хўжалик-маданий типларнинг фаол таъсири масалаларининг таҳлил этилиш тажрибалари аллақачон назарий ишланма тарзида илгари сурилган ҳамда ўз вақтида бъязи этнологик тадқиқотларда ушбу услубдан фойдаланишга харакат қилинганд². Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, хўжа-

¹ Хўжалик-маданий тип – турли халқларда тарихан таркиб топган, ижтимоий-иктисодий риожланишда бир-бирига яқин бўлган ва ўхшаш табиий муҳитдаги хўжалик-маданий хусусиятларнинг маълум мажмуасидир.

² Левин М. Г., Чебоксаров Н. Н. Хозяйственно-культурные типы и историко-этнографические области // СЭ. 1955. № 4. С. 3-17; Адрианов Б. В., Чебоксаров Н. Н. Хозяйственно-культурные типы и исторический процесс // СЭ. 1968. № 2. С. 22-34; Адрианов Б. В., Чебоксаров Н. Н. Хозяйственно-культурные типы и их картографирование // СЭ. 1972. № 2. С. 3-16; Чеснов Я. В. О социально-экономических и природных условиях возникновения хозяйственно-культурных типов (в связи с работами М. Г. Левина) // СЭ. 1970. № 6. С. 15-26; Жданко Т. А. Проблемы полуоседлого населения в истории Средней Азии и Казахстана // СЭ. 1961. № 2. С. 53-62.

лик-маданий типлар асосида этносларни таснифлаш масаласи ҳамда этник идентиклик ва этнодифференциация масалаларини таҳлил этишда ҳам маданий-хўжалик омиллари муҳим аҳамиятга эгалиги эътироф этилди³. Шунингдек, этнослараро жараёнларни таҳлил этишда турли хўжалик-маданий типларга эга бўлган этнослар ўртасидаги муносабатларни хўжалик анъаналари контекстида таҳлил этиш тажрибалари кўпланилди⁴.

Биз ушбу мақолада юкорида кўрсатилган ишлардан фарқли ўлароқ, аҳоли хўжалик-маданий анъаналарнинг этник жараёнларга таъсири масаласига асосий эътиборни қаратамиз⁵. Маълумки, турли хўжалик хусусиятларига, жумладан, ўтрок дехқон ва хўжалигига чорвачилик етакчи ўрин эгаллаган турли этносларнинг ўзаро иқтисодий-хўжалик, маданий-савдо муносабатлари ҳам этник жараёнларга сезиларли таъсир этиб, ассимиляция жараёнларини жадаллаштирган. Демак, XIX – XX аср бошларида Ўрта Осиё минтақаси учун хос бўлган хўжалик-маданий типларнинг уч йўналиши⁶ узоқ асрлар мобайнида ўзаро таъсир этиш негизида шаклланиб борган.

Кўриб чиқилаётган хронологик доирада Ўзбекистон худудида асосан биринчи ва учинчи хўжалик-маданий типлари хос бўлиб, улар ҳам ўз навбатида турли тарихий-маданий минтақаларда маълум локал ва-

³ Садохин А. П. Этнология. Учебник. М., 2000. С. 108-109, 138; Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. Ташкент, 2007. С. 105.

⁴ Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX – XX аср бошлари). Тошкент, 2005. 36-52-бетлар. Кўрсатилган тадқикот муаллифи Фарғона водийси аҳолисининг анъанавий хўжалик алокалари турли хўжалик-маданий типларга киравчи этнослар ўртасида аниқ фарқланиб туради, деб таъкидлайди ҳамда ўз тадқикоти максадидан келиб чишиб, унинг этнослараро жараёнлардаги ролига ургу беради.

⁵ Шу ўринда ўрганилаётган минтақа аҳолисининг хўжалик фаолиятини батафсил тавсифлаб бериш ушбу мақола мақсадига кирмаслигини ҳамда хўжалик-маданий типлар тараққиётини этник жараёнлар таъсирига асосий эътиборни қаратишимиизни таъкидлаб ўтишимиз жоиз.

⁶ Биринчи тип хўжалиги сунъий сугоришга асосланган ўтрок дехқончилик; иккинчи тип яйлов чорвачилигига асосланган кўчманчи чорвачилик; учинчи тип анъанавий чорвачиликни дехқончилик билан кўшиб олиб борадиган яримкўчманчи ва ярим ўтрок аҳоли хўжалиги. Одатда, улар дехқончилик минтақалари чегараларида жойлашиб, сугорилмайдиган (лалми) ерларда дехқончилик килишган ва айни пайтда тоғ ва тоғолди яйловларида чорваларини боққанлар. *Қаранг: Андрианов Б. В. Хозяйственно-культурные типы Средней Азии и Казахстана // Народы Средней Азии и Казахстана. М., 1963. Т. 1. С. 32-37; Абдуллаев У. С. Межэтнические процессы Ферганской долины (XIX – начало XX века): Автореф. дис. ... докт. ист. наук. Ташкент, 2006. С. 26.*

риантларга эга эди⁷. Ўрганилаётган мінтақа ва умуман, Ўзбекистон учун кескин фарқ құлувчи табиий шароитлар (аввало, текислик, дашт, тоғ, баланд тоғ зоналари ахолисининг этник хусусиятлари борасидаги ўзаро фарқлар), ахолининг мураккаб этник таркиби, этнодифференциацияси ҳамда ранг-баранг ҳұжалик-маданий анъаналарнинг сақланиб қолғанлиги характерлидір.

Ўзбекистоннинг ўзига хос тарихий-этнографик мінтақаларидан бири бўлган Сурхон-Шеробод водийсида⁸ ҳам ҳўжаликнинг ўрганилаётган хронологик доирада бир қанча локал типларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин⁹:

I. Катта дарёлар водийсида йирик воҳа суғорма дехқончилиги. Бунда лалми дехқончилиги ҳам (тоғларнинг қуи адири қисмидан) чорвачиликнинг ҳайдов шакли билан қўшиб олиб борилган;¹⁰

II. Тоғ ва тоғ ёнбағрида микровоҳа суғорма дехқончилиги. Бунда боғдорчилик, лалми дончилик ва чорвачиликнинг қўра-яйлов шакллари хунармандчилик билан қўшиб олиб борилган;

⁷ Қаранг: Абдуллаев У. С. Этнологияда ҳўжалик-маданий типлар тушунчаси // «Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари» мавзусидаги IV Республика илмий-назарий конференция материалы. Тошкент-Наманганд, 2007. 8-11-бетлар.

⁸ Тарихий этнографик ва байзи илмий адабиётларда ушбу мінтақа Жанубий Ўзбекистон ёки Шаркий Бухоро (Бухоро амирлигининг шаркий бекликлари – Бойсун, Шеробод, Денов ва қисман Ҳисор) тарзда эслатиб ўтилган.

⁹ Юкорида кўрсатилган асосий ҳўжалик-маданий типлардан келиб чиқиб, ажратиб кўрсатилган ушбу ҳўжалик типларини биз шартли равишда «микротиплар» деб атаемиз. Албатта, ўрганилаётган мінтақага хос бўлган микротиплар маълум бир изчилликка эга бўлиб, ҳар бири нафакат ҳўжалик, балки этник, маданий белгиларга кўра ҳам муайян хусусиятларга эга эканлиги кузатилади. Бу микротиплар бир қанча тарихий географик ва этнографик характердаги маҳсус тадқиқотларга таяниб ажратиб кўрсатилди. Қаранг: Саушкин Ю. Г. Географические очерки природы и сельхозяйственной деятельности населения в различных районах Советского Союза. М., 1947; Жданко Т. А. Историко-этнографический атлас Средней Азии // СЭ. 1956. № 3; Андрианов Б. В. Кўрсатилган асар.; Четыркин В. М. Географические особенности богарного и поливного земледелия южных районов Средней Азии // Вопросы географии. Вып. 10. М., 1948. С. 166-167; Кармышева Б. Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией (по этнографическим данным) // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. М., 1979. С. 114-115; Типы скотоводства в южных районах Узбекистана и Таджикистана (конец XIX – начало XX в.) // СЭ. 1969. № 3. С. 44-49. Абдулхамидов А. Орошение в предгорьях Узбекистана. Ташкент, 1990. С. 57-64.

¹⁰ Ушбу тип тадқиқ этилаётган мінтақада кадимий асосга эга. Қаранг: Аскаров А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. Ташкент, 1977.

III. Тоғ ва тоғ ёнбағрида ҳайдов-яйлов чорвачилигининг шартли суғорма дехқончилик ва хунармандчилик билан кўшиб олиб борилиши;

IV. Дашт ва адирикларда ҳайдов-яйлов чорвачилигининг лалми ёки баъзида суғорма дехқончилик билан кўшиб олиб борилиши.

Мавжуд этнографик материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, хўжаликнинг биринчи ва иккинчи типлари (микротиплар) ўтроқ ва кейинчалик ўтроқликка ўтган ва суғорма дехқончилик маданиятига эга бўлган аҳолига тегишли бўлса, кейинги икки тип яримўтроқ турмуш тарзига эга ва хўжалигига чорвачилик етакчи ўринда турган аҳолига тегишилдири. Бу типларда хўжалик йўналишлари турлича дехқончилик маданияти, ўзига хос чорвачилик анъаналари ҳамда хунармандчиликнинг турли тармоқларига боғлиқ бўлиб, муайян тафовутларга эга эди. Бу ҳолатни аввало, ранг-баранг ландшафтлар, ижтимоий-иқтисодий омиллар (ишлаб чиқариш куроллари ва воситалари билан таъминланганлик даражаси, маҳсулотларнинг товарлилик даражаси, бозорга яқинлиги ва х. к.) ва этник анъаналарга боғликлиги билан изоҳлаш мумкин¹¹.

XIX – XX аср бошларида тадқиқ этилаётган минтақада ҳудудий этнохўжалик ихтисослашувининг асосий йўналишлари сезиларли даражада фарқланади¹². Тоғолди ва тоғ минтақаларида, яъни йирик дарё водийсида (ўзбек ва тожиклар аралаш) ўтроқ дехқон аҳоли хўжалиги, яримдашт қир-адирлар ва даштларда асосан яримўтроқ аҳоли хўжалиги. Ушбу хўжалик соҳаларининг ихтисослашуви эса ранг-баранг хўжалик-маданий мухитда турлича турмуш тарзига эга бўлган этник гурухлар ўртасида вужудга келган ўзига хос «мехнат тақсимоти» асосида шаклланганлиги кузатилади.

Сурхон-Шеробод водийсига хос бўлган **биринчи микро хўжалик-маданий типи** интенсив суғорма дехқончиликка асосланиб, турли хил маданий ўсимликларни етиштириш учун қулай бўлган тоғолди текисликлари ва йирик дарёларнинг қадимги ўзанларида интенсив воҳа суғорма дехқончилиги тарзида шаклланган. Бу хўжалик типларига Сурхондарё ва Шерободдарёларнинг юқори ва ўрта ҳавзалари, унинг ирмоқлари орқали суғориладиган ҳудудлари киради. Бу археологик материалларда ҳам ўз исботини топган.

Ушбу хўжалик-маданий типи яратувчилари томонидан буғдой, арпа, шоли, тариқ каби донли экинлар; мош, нўхот, ловия, маданий бурчок,

¹¹ Кармышева Б.Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства... С. 116.

¹² Этник гурухлар шаҳар жойларда аралаш ҳолда кишлок жойларда компакт ҳолларда учрайди.

ясмиқ, каби дуккакли экинлар ва кунжут, зиғир каби мойли экинлар; ковун, тарвуз, кади, ковок каби полиз экинлари; бодринг, пиёз, сабзи, қизил қалампир каби сабзавот экинлари; райхон, тоғ ялпизи, зира каби хушбўй ўсимликлар етиштирилган. Шунингдек, бу ерда боф ва узумзорлар, меваси ва ипак қурти боқиши учун тут дараҳтлари, пахтанинг ғўза, сафлар, марлен каби маҳаллий навлари етиштирилган.

Бу типда дехқончиликка боғлиқ равишда чорвачиликнинг қўра ва қўра-яйлов тизими ривожланганлиги кузатилади. Ҳар бир хўжаликда бир-иккитадан от, ҳўқиз, соғин сигирлари бўлиб, майда шохли чорвалар фақаттинга ички истеъмол учунгина боқилган ва кенг товар характерида эмас эди.

Йирик дарё воҳалардаги аҳоли бозорга нафакат дехқончилик маҳсулотлари балки, ҳунармандчилик маҳсулотлари – газмоллар, дехқончилик куроллари (ўрок, чалғи, кетмон, бел ва бошқалар), сопол ва метал идишлар шунингдек, темир буюмлар (пичок, болта), заргарлик буюмлари, такинчоқлар, совун ва бошқа кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқарганлар. Шаҳарликлар ва қишлоқ аҳолиси ҳунармандчилик ва савдони дехқончилик билан қўшиб олиб борганлар¹³. Айрим шаҳар ва қишлоқлар у ёки бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича машҳур бўлган. Масалан, Бойсун алачаси билан, Шеробод эса куполчилик буюмлари билан машҳур бўлган. Бу алачалар Самарқанд, Тошкент, Афғонистон ва ҳатто, Ҳиндистонга ҳам сотилган. Бойсунда ишлаб чиқарилган темир белларни узок қишлоқлардан келиб, улгуржи нархларда олиб кетганлар.

Сунъий сугорма дехқончилик воҳаларидағи аҳоли турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан биргаликда бошқа хўжалик типларидаги аҳолидан хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари каби зарур ишлаб чиқариш воситаларини ҳам сотиб олганлар. Масалан, шаҳарликлар ва ўтрок қишлоқ аҳолиси яримўтрок аҳолидан гўшт, тери ва жун маҳсулотлари (гилам, қоп, тўқилган сумка, арқон, хуржун) кон тузи, ўтин, кўумир кабиларни сотиб олганлар. Бойсун яқинидаги Тўда қишлоғида яшовчи қўнғиротлар доимо очиқ усуздаги кўумир конидан фойдаланиб келганлар ва шаҳарликларга сотганлар.

XX аср бошларида воҳалардаги шаҳар ва йирик қишлоқ аҳолиси яримўтрок аҳолидан (III ва IV хўжалик типининг яратувчиларидан) лалми буғдой (у ўзининг калориялилиги жиҳатдан сугорма буғдойдан юкори

¹³ Бу ҳакида қаранг: С у х а р е в а О. А. Традиция сочетания городских и сельских занятий в Средней Азии... // Товарно-денежные отношения... М., 1979. С. 203-212.

туради), арпа, зиғир ва кунжут, ковун қабиларни сотиб олган бўлсалар, тоғ ва тоғолди ўтрок аҳолисидан (II тип яратувчиларидан) эса пахтали буюмлар, майиз, ёнғоқ, узум шинниси, ипак иплар, тут ва олма қоқиси, буғдой ва бошқа маҳсулотларни харид қилингандар.

Йирик воҳаларда хўжаликнинг тор ихтисослашуви ҳам шаклланган эди. Масалан, бу типдагилар шоли етиштирганлар. Шо-ликорларнинг эса ўз навбатида нон, чорва, мевалар, ўсимлик ёғи, хунармандчилик буюмлари ва жун маҳсулотларига эҳтиёжи катта бўлган. Шунингдек, полизчилик билан шаҳар ёнидаги қишлоқларнинг аҳолиси шуғулланганлар.

Яримўтрок аҳолининг доимий равишдаги ўтроклика ўтиши уларнинг турмуш тарзи ва хўжалик соҳасида ўтрок аҳолининг турмуш тарзига хос бўлган элементлар шакллана бошлаган. Шундай бўлса-да, ўзига хос хусусиятлар ҳам сақланиб қолганлиги кузатилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, биринчи тип яратувчиларининг хўжалигига сунъий суғорма дехқончилик етакчи ўринни эгаллайди ва товар характеридаги ишлаб чиқаришга эга эди.

Тадқиқ этилаётган минтақада асрлар мобайнида тоғ ва тоғ ёнбағрида шаклланган микровоҳа суғорма дехқончилигининг боғдорчилик, лалми дончилик ва чорвачиликнинг ҳайдов-яйлов, қўра-яйлов шакллари ҳамда хунармандчилик билан боғлиқ равишда ривожланган **иккинчи микро хўжалик-маданий типи** ажralиб туради.

Бу типга хос хусусиятлар шундан иборатки, бунда асосан дехқончилик ва ипакчилик маҳсулотлари юкори товар характерига эга эди. Дехқончилик Сурхон ва Шерободдарёларининг¹⁴ юкори қисмларида тоғ ва тоғолди микровоҳаларида, яъни бу дарёларнинг ирмоқлари бўйида шаклланганлигини кузатишими мумкин. Тоғ ва тоғолди минтақаларида Сурхондарёнинг Тўпаланг, Обизаранг, Хўжаипок, Сангардак, Қоратоғ, Дашибод, Шарғун каби ирмоқлари бўйида дехқончилик ўзига хос тарзда ривожланган. Тут плантациялари суғорма ерларда кенг тарқалганлиги сабабли ипакчилик яхши ривожланган. Пиллани шаҳар тўқувчилари,

¹⁴ Шу ўринда Шеробод воҳасида дехқончилик XIX аср охири ва XX аср бошлари учун интенсив характерга эга эмаслигини таъкидлаб ўтмоқ лозимdir. Чунки аввало, Шерободдарёнинг суви суғориб дехқончилик қилиш мумкин бўлган ерларни таъминлай олмас эди. Шунингдек, мавжуд сув ресурслари миқдори ҳам икlim шароити билан боғлиқ эди. Ёғингарчилик нормада бўлган йиллар ҳам фақатгина доимо экилалигидан ерларни суғоришгагина етар эди холос. Шу сабабли ҳам булок, ховуз, ҳавза ва кичик тоғ дарёлари, сой сувларидан фойдаланиб, дехқончилик маҳсулотлари етиштирилган. Сувга бўлган эҳтиёжни қондириш учун Кўхитанг тоғ этакларида коризлар барпо этилган.

шунингдек, Афғонистондан келган савдогарлар XX аср бошларида эса асосан Туркистон ўлкасидан келган савдогарлар олганлар. Бир қисм пиллани, яъни ипак хом ашёсини яримўтрок аҳоли томонидан кийим-кечакларга безак бериш ёки уй буюмлари – сўзана, кашта тикиш учун сотиб олганлар. Шу билан бирга бу минтақалардаги ўтлоққа бой яйловлар йил бўйи ҳайдов-яйлов чорвачилигини ривожланиши учун кулай бўлган.

Ушбу хўжалик типига мансуб аҳоли асосан тоғ ва тоғолди худудларида яшовчи тоғчи-қатағонлар, чифатойлар, карлуқлар ва тоғли тожиклар боғдорчилик, чорвачилик ва зироатчилик билан шуғулланганлар.

Шунингдек, бу минтақада ихтисослашган узумчилик кенг товаришилик хусусиятга эга эди¹⁵. Узумчилик марказлари Бойсун беклигига Пассурхи, Денов беклигига Сина, Ҳовуз, Вахшивор, Ҳисор беклигига Газараг ва Хуфор қишлоқлари ҳисобланган. Бу ерда узумнинг 20 дан ортиқ нави экилган. Узумни деҳқонлар яқин бозорга ёки яримўтрок аҳоли билан буғдой, жун, сариёғга алмашган бўлсалар, Ҳовуз, Вахшивор ва Сина қишлоқлари аҳолиси майизни Қарлук, Денов, Юрчи, Бойсун шунингдек, Кўлоб (Тожикистон Республикаси) га ҳам олиб бориб сотганлар, Шунингдек, майиз маҳаллий бозорлардан ташқари Бухоро амирлигининг Марказий қисми ва Туркистон ўлкасига ва Россияга ҳам чиқарилган. Бойсуннинг холва, нишолдалари юкори Кичикўра дарё, Ғузор (Қашқадарё вилояти), Келиф беклиги (Туркманистон Республикаси) даги чорвадорларга етказиб берилган¹⁶.

Бу минтақада буғдой етиштириш, боғдорчилик ва хунармандчиликнинг айрим тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар товаришилик хусусиятига эга эди. Ҳалқаёр дарёси бўйида жойлашган Катар қишлоғи буғдой етиштириш бўйича етакчи ўринда турган. Катар Бойсунни буғдойзори ҳисобланган. Бу ерга Келиф беклигидан (Туркманистон Республикаси) қўнғирот бойлари келиб, буғдойни улгуржи сотиб олиб кетганлар.

Тоғли минтақаларга тоғолди қишлоқларидан ҳам буғдой олиш учун алача, бўз, майиз олиб келганлар ва ўзаро маҳсулот айрибошлишган. Даشتликлар эса шу атрофдаги яйловларга чорваларини ҳайдаб келганлар, жун ва жун маҳсулотлари билан мол айрибошлишган. Ёнғок, ўрик, олма, нок, тут ва бошқа мевалар юкори товар хусусиятига эга эди. Бу

¹⁵ Хидоятов И. О характере сельского хозяйства многонациональных районов Сурхандарьинской области в дореволюционное время // СЭ. 1970. № 2. С. 133.

¹⁶ Кармышева Б.Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства... С. 117.

маҳсулотларни пахта сотиб олиш мумкин бўлган Шеробод, Кўхитанг ва Денов бозорларига сотиш учун олиб борганлар. Ўзани бу даражада кўп сотиб олишдан мақсад қиши давомида оиласдаги аёлларни иш билан таъминлаш бўлган.

Сангардакликлар асосан ёнғоқ ва меваларни пахтага алмаштириш учун Шарқий Бухорода энг йирик пахта бозори бўлган Шеробод бозорига олиб борганлар¹⁷. Пахта Шеробод бозорига факатгина Шеробод воҳаси далаларидан олиб келинмасдан, балки Келиф (Туркманистон Республикаси) Денов бекликларидан ҳам олиб келинган. Сангардакликлар пахтанинг «кўк ёнғоқ» навини сотиб олишни афзал кўрганлар. Йиғириммаган пахта калавасини Хубон қишлоғидаги тўкувчиларга олиб бориб, бўз тўкишга буюртма берганлар.

Тоғ ва тоғ ёнбағрида ҳайдов-яйлов чорвачилигининг шартли суғорма дехқончилик ҳамда хунармандчилик билан қўшиб олиб борилиши **учинчи микро хўжалик-маданий типга** киради.

Бу типга кирувчи аҳоли кўпроқ чорвачилик билан шуғулланувчи этник гуруҳлар – кўнғирот, юз, дўрмон кабилар Шерободдарё оралиғидаги дашт зоналарида, Боботоғ этакларида, Қизириқ, Бандиҳон, Музробод, Ҳатробод чўлларида чорвачилик билан, адирликларда эса лалмикор зироатчилик билан шуғулланганлар. Водийдаги чорвачилик учун қулай бўлган иқлим, табиий шароит тоғ ён адирлари ва кенг чўл зоналари бу ерда доимий равишда ҳайдаб боқиладиган чорвачилик турининг сакланиб қолишига олиб келди. Бу зонада яшовчи айрим этник гуруҳларнинг тўлиқ ўтроқ турмуш тарзига ўтмаганлигининг сабаби ҳам хўжалигида чорвачилик етакчи ўринда турганлигидир. Шу боис, чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли ўзининг хўжалик, этник-маданий, антропологик ва тил хусусиятларини XX аср бошларигача яхши саклаб қолган эди.

XX аср бошларида яримўтроқ аҳоли шартли суғорма дехқончилик билан, яъни лалми ерларда буғдой, арпа, зиғир, кунжут ва ғўза, полиз экинларидан қовун экканлар. Бу ерда нафақат каммулкли дехқонлар балки, ўртаҳол дехқонлар ҳам дехқончилик билан шуғулланган. Камбағал ва бой дехқонлар комплекс хўжалик, яъни буғдойчиликни ҳайдов-яйлов қўйчилиги ёки йилқичилик билан қўшиб олиб борганлар ёки товар хусусиятига эга бўлган ихтисослашган дончилик хўжалигини юритганлар.

¹⁷ Маев Н. А. Очерки Гиссарского края // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. 5. СПб., 1879. С. 154, 155.

Боботоғ тизмаси этакларида яшовчи ўзбек уруғлари қўнғирот, дўрмон кабиларнинг асосий хўжалиги лалми дехкончилик билан боғлиқ чорвачилик эди. Бир кисм аҳоли ёзги яйловларга (овул) кўчганлар, бир кисми эса қишики доимий тураржойларда қолиб, экстенсив дончилик хўжалиги билан шуғулланганлар. Тоғолди водийлари ва даштикларда шартли бир марталик сұғоришдан, яъни сел сувидан самарали фойдаланилган. Баҳорда Каваксой, Белисиник, Дарвозакан, Селга, Таммасой, Бўрисой каби сойларда сувларни қатор ариқчалар шаклида тўплаб, текислик томон оқизганлар. Дехкончиликнинг бу тури халқ орасида «селовакорлик» деб номланган¹⁸.

Дехкончилик бу зонада тез-тез курғоқчилик сабабли қатъий бўлмаган. Шу сабабли камбағал дехконлар маълум даражада чорвачиликка ҳам таянганлар. Бу аҳоли гурухи Сурхон ва Шерободдарёning кенг водийларида ҳайдов-яйлов чорвачилигини шоликорлик билан қўшиб олиб борганлар. Бир қадар қурғоқ зоналар – Бойсун, Шеробод ва Келиф бекликларида туячилик ҳам ривожланган. Бу хўжалик-маданий типида фақат бой чорвадорларнинг чорвачилиги юкори товар характеристида бўлган.

Бу хўжалик-маданий типида қишлоқ ҳунармандчилиги ҳам ривожланган эди. Улар орасида темирчилар, заргар усталар, отнинг кимматбаҳо эгар-жабдуғи, заргарлик буюмлар, тақинчоқлар, ёғочсозлар, этикдўзлар бор эди. Улар бу ҳунарларни ўтрок аҳолидан ўргангандар, ҳунармандлар буюртма асосидагина ишлаганлар. Ҳунармандчиликнинг пассив ривожланганлиги уни қатъий ихтисослашувига олиб келмади.

Бой чорвадорлар асрлар бўйи шуғулланиб келган анъаналарига зид равишда товар характеристига эга бўлган ғаллакорлик билан шуғулана бошладилар. Айнан улар етарли ишчи ҳайвонларга ва дехкончилик куролларига эга эдилар. Бу ерда етиширилган буғдойларни Термиз, Керки (Туркманистон Республикаси), Хивадан савдогарлар келиб сотиб олганлар ва Амударё орқали олиб кетганлар.

Дашт ва адирликларда ҳайдов-яйлов чорвачилигининг баъзида суторма ёки лалми дехкончилик билан қўшиб олиб борилиши **тўртинчи микро хўжалик-маданий типи** киради

Чорвага бўлган эҳтиёж айниқса, бўрдоқи кўйга талабнинг ортиши сабабли бир қисм чорвадор аҳоли дехкончиликни бутунлай ташлаб, факат ҳайдов-яйлов кўйчилиги билан шуғулландилар.¹⁹ Галлачилик би-

¹⁸ Хидоятов И. О характере сельского хозяйства... // СЭ. 1970. № 2. С. 136.

¹⁹ Батраков В. С. Особенности развития сельского хозяйства Бухарского ханства с половины XVII в. до 70-х годов XX века // Труды Ташкентского государственного университета. Ташкент, 1962. Вып. 193. С. 164.

лан шуғулланмайдиган яримкўчманчи аҳоли эса яхши яйловларга эгалик қилиб, тажрибали чўпонларни ёллаб, машҳур ҳисори қўйлар наслини асрлар давомида ҳалқ амалий тажрибалари асосида яхшилашга қаратди.

XX аср бошларида ўрганилаётган минтақада ҳайдов-яйлов чорвачилиги хўжаликнинг асосий ва ягона тармоғи сифатида сақланиб қолган эди. Бу типдаги хўжаликка Даشتி Қипчоқ этник гурухларидан олдин жойлашган этник гурухлар қарлук, турклар номи билан маълум бўлган этник гурухлар ва бошқалар кирган. Дехкончилик маҳсулотларини улар яйловда ўзаро савдо-сотик алоқаларида бўлган тоғли тожиклардан ёки бозордан сотиб олганлар. Бой чорвадорлар Ғузор, Қарши, Ургут, Тошкент ва бошқа жойлардан келган чорва савдогарларига сотганлар. Шу билан биргаликда улар узун ва ингичка жунни баҳорда ўз чорваларини Афғонистондан жанубий Тожикистон орқали Кўконга сотишга кетаётган араблар ва афғонларга алмаштиришган. Қарлук, турк ва кўнғиротларнинг ёрдамчи хўжалиги кўпгина оилаларнинг севимли машғулоти ҳамда авлоддан-авлодга ўтиб келган чўпонлиkdir.

Хўжалигининг асосини чорвачилик ташкил этган Мовароуннаҳр турклари, қарлук, кўнғирот, дўрмон, юз каби йирик этник гурухларда ҳайдов-яйлов ёки яйлов-яйлов (ёзги яйловдан қишики яйловга кўчиш ёки аксинча) тизимидағи чорвачилик фаолияти интенсив характерга эга бўлиб, яратилган чорвачилик маҳсулотларининг товарлилик хусусияти юқори эди.

Тўртинчи типга киравчи аҳоли чорвачилигига бошқа минтақаларнинг чорвачилик хўжалиги билан кўпгина ўхшашиб жиҳатлари бўлсада аммо, бундаги этник гурухларнинг ҳар бирида уй ҳайвонларини бокишида ўзига хос усуслари ва жиҳатлари бўлган. Масалан, энг яхши кўпкари отлари лоқайларда, энг яхши сотиладиган қўйлар ва чўпон итлари кўнғирот, қарлук ва туркларда бўлган. Шу билан биргаликда, ҳатто, бир элат истиқомат қиласидиган худудда ҳам чорвачилик хўжалигини юритишидаги табиий географик шароитлар туфайли ёки қўшни ҳалқларнинг таъсири ва ижтимоий-иктисодий сабаблар натижасида хилма-хил усуслардан фойдаланганликларини кузатишими мумкин.

Учинчи ва тўртинчи типларида чорвачилик, дехкончилик ҳамда хунармандчилик хўжаликлари ўртасида қатъий чегара бўлмаган. Чунки, бу хўжалик турлари доимо бир-бирини тақозо этиб турган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Жанубий Ўзбекистон минтақаси шароитида фақатгина бир-бирини тақозо этиш даражасида хўжалик-маданий

типлари ҳар бир тарихий-этнографик минтақаларда муайян фарқларга эга бўлган.

Чорвадор этник гурухларнинг сугорма дехқончилик минтақаларига миграцияси ҳамда хўжалик-маданий хусусиятларига таъсири сезиларли даражада бўлган. Бу этник гурухлар маҳаллий чорвадорларнинг ваколатларини ўз қўлларига ола бошладилар. Уларнинг дехқончилик билан бирга қўшиб олиб борадиган натурал экстенсив чорвачилиги интенсив-товарлилик хусусиятига эга бўла бошлаган.

Хўжалик-маданий типларнинг локал варианти (микротип) ларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, биринчидан, I ва II типлар узоқ асрлар давомида шаклланган бўлиб, яримўтрок чорвадор аҳолига мансуб бўлган III ва IV типлар билан баъзи умумийликларга эга бўлса-да, ҳар бир типнинг локал жиҳатлари якқол ажралиб турар эди.

Иккинчидан, кўриб чиқилган барча типлардаги аҳоли қайси этник бирликка мансублигидан қатъи назар, гарчи, у ўтрок ёки яримўтрок турмуш тарзига эга бўлса-да, у ёки бу хўжалик-маданий типига мансублиги белгиларини ўзида акс эттирган.

Учинчидан, тадқиқ этилаётган минтақа аҳолисининг турли хўжалик-маданий типларга мансублиги турмуш тарзидаги фарқларни (ўтрок, яримўтрок), этник белгиларини (ўзбек, тоҷик, чигатой, араб, турк, қарлук, қатағон, кўнғирот, юз каби) ва этник дифференциациясини узоқ вақт сақланиб қолишига имкон берган.

A. Каюмов

К вопросу о хозяйственно-культурных типах и этнической дифференциации (на материалах Сурхан-Шерабадской долины)

В статье на материалах Сурхан-Шерабадской долины прослеживаются локально-территориальные варианты формировавшихся на протяжении многих веков хозяйственно-культурных типов. В этнологическом аспекте анализируются вопросы взаимовлияния хозяйственно-культурных типов, быта, этнической специфики и этнической дифференциации населения долины.

A. Kayumov

On the issue of economic-cultural types and ethnic differentiation (on the materials of Surkhan-Sherabad valley)

In this article on the materials of Surkhan-Sherabad valley is observing local-territorial variants of economic-cultural types, which formed during many centuries. Also, author analyzes in ethnological aspect matters of two-way influence of economic-cultural types, mode, ethnic specificity and ethnic differentiation of valley population.

Бул макалада Сурхан-Шерабад шаҳрига оғиздан келиб берилган локал-териториал ғарбий-шарқий, синтетик-дигарлардаги ажадланувилик-тизмларни излантириштиришадан туради. Адабий-оғиздан келиб берильган тарихи-географияларни жана тарихи-тадбирнамаларни излантириштиришадан туради. Марказий-шарқий тадбирнамаларни ишлаб чиради. Бирнишниң союзлари жана ярдемчалари менен билимни жана даими майдахонанинни көрсатади. Бул макалада оғиздан келиб берильган тарихи-географияларни излантириштиришадан туради. Адабий-оғиздан келиб берильган тарихи-географияларни излантириштиришадан туради. Аммо ажадланувилик-тизмларни излантириштиришадан туради. Географияларни излантириштиришадан туради. Бул макалада кишилгич жана тадбирнамаларни излантириштиришадан туради. Марказий-шарқий тадбирнамаларни излантириштиришадан туради. Аммо оғиздан келиб берильган тарихи-географияларни излантириштиришадан туради.

Гурӯшият бўйича қўйилади ахади ҷорданчилидаги бўлак менинжаларнинг чорвакчилик кўзотини бўланади. Ахади ӯзиганликни бўлсанда замон, бундаки этник гурӯшиянинг тар тарафидан ўзинимашарини бекинди унга эътигуруни-сийосийлар оғзасиенов²¹. Унда, инд ахади кўпкари отлари ишманциеинфид, боязниздон и таъзатар на түбон ишлари кўнгир(шепор, йеллоу барфи Ширада) Э хисобли хотида, хотто. Бир этап истикомат куладиган қудусиге кам чорвакчилик хўжалигини юри-гапнишада анинов бўрголдерин Ширада. О ишланинг анибада, яшнинг шештаси да, роҳинча боғчиоф ынсонларни айтгане ишлоп шештаси да, он тажбуатори тарифлансандар. Ҳасони қинчутинчи оғизостигига, яхши ахтони инижжак. Ҳасони қинчутинчи оғизостигига, яхши ахтони инижжак. Ҳасони қинчутинчи оғизостигига, яхши ахтони инижжак. Ҳасони қинчутинчи оғизостигига, яхши ахтони инижжак.

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ XX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ: АНЬАНАЛАР ВА ЯНГИЛИКЛАР» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ҲАҚИДА

XX аср тарих саҳифаларига нафакат фан-техника тараққиёти шу билан бирга ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ўзгаришлар даври бўлиб кирди. Ушбу тараққиёт тарихида юз берган кескин бурилишлар асри дунё ҳамжамиятининг ажралмас узвий қисми бўлган Марказий Осиё халқларининг кундалик ижтимоий ҳаёти ва маиший турмушида ҳам яққол акс этди. XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чорагидаги тарихий жараёнлар бўйича тарихшуносликда жуда кўплаб илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, аммо инсонларнинг турмушида кўзга ташланадиган ўзаро муносабатлар, унинг ички моҳияти, ижтимоий-тарихий мазмуни билан боғлик анъаналар ва ўзгаришларга кам эътибор қаратилган эди. Айнан шу масалалар инобатта олиниб, 2008 йил 12-13 сентябрь кунлари Тошкентда дунё илмий жамоатчилигини жамлаган «Марказий Осиё халқларининг XX аср биринчи ярмидаги ижтимоий ҳаёти: анъаналар ва янгиликлар» мавзудаги халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, ЮНЕСКО хузуридаги Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти (ПАСД), Марказий Осиё тадқиқотлари француз институти (IFEAC), Корея Республикасининг Осиё тараққиёти ва маданияти институти (IACD) ва Темурийлар тарихи Давлат музейи билан ҳамкорликда ўтказилиб, унда ўндан ортиқ хорижий давлатдан ташриф буюрган таникли олимлар ўзларининг сўнгги йилларда эришган илмий натижаларини кенг илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилдилар.

Конференцияни табрик сўзи билан очиб берган ЎзР ФА вице-президенти академик С. Ғуломов республика тарихчилари мустақиллик йиллари даврида ЮНЕСКО ва бошқа кўплаб йирик хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда ўттиздан ортиқ халқаро илмий анжуманлар ўтказганлигини қайд этиб, мазкур тадбир нафакат маҳаллий, балки Марказий Осиё тарихи билан шуғулланувчи чет эллик тадқиқотчилар учун ҳам мухим илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигига ургу берди.

ЎзР ФА Тарих институти директори профессор Д. А. Алимова мазкур мавзудаги анжуман Ўзбекистон тарихшунослигида, умуман, МДХ давлатлари доирасида биринчи маротаба ўтказилаётганлиги, оддий инсонлар ҳаётининг тарихини ўрганиш долзарб масала бўлиб, бу ерга йиғилган мутахассис олимлар ўзларининг тўплаган кўплаб архив маълумотлари, манбалари асосида ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши ва янгиланиши жараёнлари тўғрисида аниқ қарашга, концепцияга эга эканликларини алоҳида таъкидлади.

«XIX аср – XX асрнинг биринчи чорагидаги ғоявий оқимлар, сиёсий жа раёнлар албатта, халқларнинг ижтимоий ҳаётига бевосита таъсир кўрсатди ва

уларнинг кундалик ҳаёт тузилишининг ҳам ўзгариши табиий ҳолат эди», – деди сўзга чиқкан ЮНЕСКО ҳузуридаги Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти директори Шахин Мустафаев ва анжуман ташкилотчилари ҳамда иштирокчиларига иш жараёни муваффакиятли ўтишини тиляб қолди. Марказий Осиё тадқиқ килиш француз институти директори вазифасини вактинча бажа-рувчи Хулио Бенdezу-Сармиенто ва Корея Республикасининг Осиё тараққиёти ва маданияти институти вакили Ким Пёнг Гиль ўз табрик сўзларида чор Россияси ва совет мустамлака даври тарихининг ижтимоий жиҳатларини кўрсатиб беришда ушбу анжуманинг аҳамияти бекиёс эканлигини алоҳида қайд этдилар.

«Марказий Осиё халқарининг XX аср биринчи ярмидаги ижтимоий ҳаёти: анъаналар ва янгиликлар» мавзуидаги халқаро конференция саккиз шўйбада иш олиб борди:

1. Ички ва ташқи миграцион жараёнлар.
2. Жамиятнинг ижтимоий-маший ҳаёти ва тузилишидаги ўзгаришлар.
3. Марказий Осиёда бошқарув формалари ва миллий элиталар.
4. Ёзма манбаларда аҳоли ижтимоий ҳаётининг акс этирилиши.
5. Маданий ўзгаришлар.
6. Миллий гурӯхлар ҳаёти.
7. Хотин-қизларнинг ижтимоий портрети: янги маданият ва мавқеи.
8. Кундалик ҳаёт тизимида анъанавийлик ва янгиликлар (тибиёт ва овқатланиш).

Анжуманда чет эл олимларидан Қозоғистон Республикаси Шарқшунослик институти вакили профессор Гулнора Мендикулова, Озарбайжон Шарқшунослик институти профессори Салмаз Рустамова-Тоҳиди, Гумбольдт Университети (Германия) олими Роберт Киндер, Жезқозғон Университети (Қозоғистон) профессори Тулғонбек Алланиязов, Француз илмий тадқиқотлар миллий маркази доктори Изабель Оайон, Жорджауна Университети (АҚШ) доктори Бенжамин Лоринг, Гумбольдт Университети (Германия) олими Франсуа Ақакча, Қирғизистон Дипломатик Академияси профессори Адаш Токтасунова, Яқин Шарқ Техника Университети (Туркия) тадқиқотчиси Айша Кавунчи, Гумбольдт Университети (Германия) докторанти Олаф Гюнтерлар ўзларининг эътиборга молик маърузаларида халқлар ижтимоий ҳаётининг турли жиҳатларини ёритиб бердилар. Хорижий олимлар билан бирга, конференцияда ЎзРФА Тарих институти вакиллари ва республика олий ўкув юртлари ўқитувчилари ҳам фаол қатнашиб, ўз чиқишлиарида янги маълумотлар, фактик материаллар, қизиқарли фотосуратларни жалб қилиб, иштирокчиларда катта кизикиш уйғотдилар. Бу эса халқларнинг кундалик ҳаётини ёритилиши ва чуқур тадқиқ этилиши керак томонлари ҳали мавжуд эканлигини кўрсатди. Ҳар бир шўйба якунида мунозараларга ажратилган вактда олимлар ўртасида қизғин баҳслар, илмий тортишувлар бўлиб ўтди.

Конференция якунида сўзга чиқкан профессор Д. А. Алимова кўтарилигидан масалаларнинг ҳар бири алоҳида анжуман мавзуси бўла олишлиги, халқларнинг ижтимоий ҳаётидаги жиҳатлар турли-туманлигини инобатга олинса, унинг ҳали очилмаган кирралари кўп бўлиб, уни тадқиқ килиш за-

монавий тарих фанининг долзарб вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади. Шунингдек, халқаро конференцияларда кўзга ташланадиган бир ҳолат, яъни хорижий тадқиқотчиларнинг назарий таҳлили кучли бўлса, ўзбекистонлик тадқиқотчиларда манбавий асоснинг юқори даражада эканлигини кайд этар экан, бундай ўзаро алмашувлар натижасида ушбу жихатларнинг уйғунлашувига эришилди, деб таъкидлади. Ш. Мустафаев анжуман олимларни бир-бирига яқинлашувида муҳим аҳамият касб этганлиги, кўп йиллар давомида халқларнинг кундалик хаёти, маший турмуши масалаларининг тадқиқот обьектидан четда бўлганилиги ва мазкур илмий йиғилиш бу борадаги ташланган муҳим қадам бўлганилигига алоҳида ургу берди ҳамда материаллар илмий тўплам сифатида нашр этилишини эълон қилди. «Марказий Осиё халқларининг XX аср биринчи ярмидаги ижтимоий хаёти: анъаналар ва янгиликлар» номли халқаро илмий анжуманда қилинган маъruzalar Марказий Осиё халқлари тарихининг янги сахифаларини яратишда муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

«Ўзбекистоний халқларини излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

–нидох ёнимин кўнгли излаб АФ Ҷ. – яомини А. Ф. Н. Мустафаева

Муаллифлар ҳақида маълумот

Худојирий институтинин таъсисатидаги профессорларининг таъсисатидаги муаллифларининг номи.

А. Деревянко – Россия ФА Тарих, археология, этнография институти Сибирь бўлими директори, Россия ФА вице-президенти, т.ф.д., академик.

Ў. Исломов – ЎзР ФА Яхё Гуломов номидаги Археология институти Тошкент бўлими бошлиғи, т.ф.д., академик.

А. Кривошапкин – Россия ФА Тарих, археология, этнография институти Сибирь бўлими катта илмий ходими, т.ф.н.

Б. Обидов – ЎзР Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, т.ф.н.

С. Асанова – ЎзР ФА Тарих институти тадқиқотчиси.

Р. Абдуллаев – ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т.ф.д.

Ш. Раҳматуллаев – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

Г. Агзамова – ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т.ф.д.

Р. Назаров – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, ф.ф.н.

А. Сагдуллаев – ЎзР Президенти ҳузуридаги ДЖҚА, Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази директори, т.ф.д., профессор.

И. Йўлдошев – Қўқон Давлат педагогика институти «Ўзбекистон тарихи» кафедраси катта ўқитувчisi.

А. Қаюмов – ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими.

Н. Мустафаева – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

Ҳизбий тарихи жоннига мөнъи мазмунларнинг ҳадисаларини жадидланганни таъсисатидаги муаллифларни борадиган. Ҳизбий оғизларни таъса сирга, конференцияларда ЎзР ФА Тарих институтине мажнублари из распуштанинг ўзига юрганини ўзига юрганини ҳам борадиган. У чињисидан таъсисатидаги муаллифлар, фактулар, маджлислар, ҳизбий тарихи журнални таъсисатидаги муаллифларни зарб этилган танганинг тасвири туширилган.

Журнал муқовасида хижрий 367/977-978 йилларда Фарғонада Амир Нуҳ ибн Мансур, Ҳожиб Тош, Аҳмад ибн Мансур, Аҳмад ибн Али номларидан зарб этилган танганинг тасвири туширилган.

На обложке журнала изображена медная монета 367/977-978 годов, отчеканенная в Фергане от имени Амира Нуха ибн Мансура, Хажиба Таша, Ахмада ибн Мансура, Ахмада ибн Али.

Индекс 1027

Хр

4550.

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2008. № 3